

3. Ўз-ўзини бошқара олиш қобилияти.
4. Мулоқот жараёнида ўзининг асабини ва рухий ҳолатини бошқара олиш.
5. Мулоқот жараёнида ўқувчиларни ишонтириш билан уларга таъсир этиш.
6. Ўқитувчи ўзи гапираётган нарсалар ва ҳодисаларни кўз олдига келтира олиш.

Хулоса қилиб айтганда, Ҳар бир инсоннинг ижтимоий тажрибаси, унинг инсоний қиёфаси, фазилатлари, ҳатто нуқсонлари ҳам мулоқот жараёнининг маҳсулидир. Ҳар қандай мулоқотнинг энг содда вазифаси-сухбатдошларнинг ўзаро бир-бирларини тушунишларини таъминлашдир. Бу ўзбекларда самимий салом-алиқ, сухбатдошни очиқ юз билан кутиб олишдан бошланади. Бу жихат миллий ўзига хосликка эга. Яна бир муҳим вазифаси ижтимоий тажрибага асос солиш, бўлиб, одам боласи фақат одамлар орасида ижтимоийлашади, ўзига зарур инсоний хусусиятларни шакллантиради.

АДАБИЁТЛАР

1. Азаров Ю.П. Болаларни севиш санъати. -Т.: Ўқитувчи, 1992 й. -198 б.
2. 14. Маллаев Н. Сўз санъатининг гултожи. -Т.: Г.Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1991 й. -149 б.

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРГА ЧЕТ ТИЛИНИ ЎРГАТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

*Жуманова Насиба Шербаевна
Мактабгача таълим йўналиши
ўқитувчиси, Жиянбердиев Мерожиддин
Мактабгача таълим йўналиши талабаси*

Мустақиллик йилларида чет тилларни ўрганиш ва ўргатишга юртимизда катта аҳамият берилмоқда. Чет тилларини яхши билиш натижасидагина ҳалқаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий негизини яратиш ва унинг устувор йўналишларини рўёбга чиқариш, ҳалқаро таълим тизимини ривожлантириш, илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, талabalарни хорижий давлатларга юбориш, иш тажрибаларни алмашиш каби масалаларни амалга ошириш мумкин. 2012-йил 10-декабрда қабул қилинган “Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори ҳамда 2013-2014- ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактабларининг биринчи синфларида хорижий тилларни узлуксиз жорий этилиши ҳамда мактабгача таълим муассасасалари

тарбияланувчилариға ҳам чет тилини, хусусан, инглиз тилини ўргатиш йўлга қўйилган.

Мактабгача ёшидаги болаларга чет тилини ўргатиш ўзига хос хусусиятларга эга. Боғча ёшидаги болаларда оғзаки нутқ яхши ривожланган бўлади. Мутахассисларнинг фикрича болада 4 ёшдан 7 ёшгача бўлган даврда чет тилини ўрганишга кучли мойиллик кузатиладиган давр ҳисобланар экан. Улар оғзаки нутқ орқали ахборотларни қабул қилиб олишдек ноёб қобилиятга эга бўлади, шунингдек у ёки бу миллатга тегишлилиги билан боғлиқ наслий факторлар таъсиридаги муайян эркин фикрлаш қобилияти болага тилни муваффақиятли ўрганиш имконини беради. Болаларнинг онгти мукаммал қобилиятга эга бўлиб, у боланинг атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги маълумотларни ҳеч қандай таҳлилсиз қабул қилиб олади. Болалар катталардан фарқли ўлароқ реал ҳаётни кўра олади ва бу болага чет тилини муқобил йўл билан ўз фикрларини чет тилида ифодалаш орқали ўрганиш имконини беради.

Мактабгача ёшдаги болаларга чет тилини ўқитишининг ўзига хос ижобий тарафлари бўлиб, улар боланинг қизиқувчанлик, мулоқотга киришимлилик, билишга интилиш, тақлид қилишга мойиллик каби руҳий ва жисмоний хусусиятларга, шунингдек, бирор сўзни талаффуз этишдаги ҳаракатларига йўналтирилиши керак. Болалар барча янги нарсаларни тез қабул қиласди, айниқса уларга ўйин тарзидаги ва мажбуриятларсиз янгиликлар берилиши мақсадга мувофиқ. Улар такрорий тинглашлар орқали ўқитилади ва натижада болаларда гапириш қобилияти ривожланади.

Мактабгача ёшдаги болаларга чет тилини ўргатища педагоглар болаларнинг ақлий ривожланиш даражаси машғулот жараёнида учрайдиган кўплаб вазифаларни ўзлари мустақил ҳал эта олмасликларини инобатта олишлари керак (оғзаки, ўйин тарзидаги ва бошқа вазифалар). Болалар мактабгача ёшда чет тилини самарали ўрганишларининг яна бир сабаби, айнан боғча ёшида болалар катта ёшдагиларга нисбатан чет тили материалларини яхшироқ тушунадилар, қабул қиласдилар ва эслаб қоладилар, шунингдек, уларда чет тилидаги билимлари кам бўлишига қарамай мулоқотга киришишларида ҳеч қандай тўсиқлар бўлмайди.

Мактабгача таълим муассасаларида болаларда инсоннинг тўлақонли ривожланиши учун энг муҳим ҳисобланган ижтимоий малакаларини шакллантириш мақсадида коммуникатив малакаларни ўзлаштириш бўйича ривожлантирувчи фаолиятни ташкил этиш лозим.

Чет тилини мактабгача бўлган даврда ўйин шаклида ўргатиш яхши самара беради. Бола дунё манзаларини ўйин шаклида қабул қиласди, ўзининг ҳаётий тажрибаси билан таққослайди ва бунда тил структураси намуналарига

эга бўлади. Ҳаракатли ўйинлар жисмоний тарбия воситаси бўлиб, мактабгача бўлган даврда болаларнинг ҳар томонлама ривожланишига самарали шароит яратиб беради. Улар бир томондан амалий фаолият ҳисобланиб, болаларнинг жисмоний ривожланишига ёрдам беради, бошқа томондан эса уларнинг диққатини, хотирасини, фикрлаш қобилиятини ривожлантириш учун мақбул шароитлар яратади. Бунда ҳаракатли ўйинларга киритилган қоидалар ўйин иштирокчилари онгида жамиятдаги инсонлар ўртасидаги муносабатлар, реал ҳаётда ўзини тутиш ҳақидаги тасаввурларни мустаҳкамлайди.

Болаларнинг диққати ва эътиборини кўпроқ ўзига яққол жалб этувчи предметлар билан тортиш мумкин. Ўзлаштириш обьектига қизиқиши йўқолмагунга қадар болаларнинг диққатини тортиш мумкин. Энг асосийси боғча ёшидаги болаларда оғзаки қўникма ва билимлар ривожланмаган бўлиб, бу ўз навбатида уларда мураккаб мазмунга эга ибораларни тузга олмасликларига, бир турдаги ибораларда сўзларни ўзгартира олмасликларига ва бошқаларга олиб келади. Шу сабабли, машғулот жараёнини юқорида санаб ўтилган хусусиятларни инобатга олган ҳолда ташкил этиш лозим.

Мактабгача ёшдаги болаларга чет тилини ўргатишда мактабгача таълим муассасасининг ўқув хонасига ўзига хос талаблар қўйилган. МТМда чет тилларини юқори даражада ўқитиши учун ёруғ, шинам, машғулотларни олиб бориш учун ишончли мухитни яратиб бера оладиган ва болаларнинг соғлигига зиён етказмайдиган ўқув хоналарини ташкил этиш зарурлиги кўрсатиб ўтилган.

Мактабгача ёшдаги боларга чет тилларини ўргатишда ўзига хос талаблар қўйилган, жумладан:

- бола машғулот жараёнининг марказида бўлиши лозим;
- тарбиячи ҳар бир боланинг ўқишига бўлган жисмоний ва сенсор эҳтиёжларини билиши ва ҳисобга олиши уларнинг ҳиссий, ижтимоий ва ҳаракат компетенцияларини ривожлантириши керак;

Бу эса чет тилини эшитиш, мулоқот қила олиш каби асосий таълим шакллари ёрдамида эмас, балки педагог билан, бир-бирлари билан фаол ва жонли мулоқот орқали эришиши имкониятини беради. Хуроса қилиб айтганда мактабгача ёшдан бошлаб болаларга чет тилини ўргатишга қизиқтириш учун шундай ўқув жараёнини ташкил этиш керакки, бу болаларда юқори мотивацияни ва машғулотларда фаолликни таъминласин.